

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
Қ А Р О Р И

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ЯГОНА ЭЛЕКТРОН РЎЙХАТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ИШЧИ ГУРУҲИ ТОМОНИДАН
АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг хуқуқий асосларини яратиш бўйича ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборот маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ишчи гуруҳи (К.Адилов) томонидан тайёрланган ҳужжатлар лойиҳалари манфаатдор вазирлик ва идораларга белгиланган тартибда таклифлар олиш учун юборилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М.Абдусаломов

Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 июль,
№724.